O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 22 апрель, № 77 (3876) Шанба

Ҳамжиҳатлик бор жойда

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса бу Данғара туманидаги "Зилола" фермер хўжалиги фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.

Хўжалик тасарруфида 238 бош қорамол бўлиб, уларнинг аксариятини соғин сигирлар ташкил этади. Чорва озуқаси етиштириш учун етарли экинзор ажратилган. Биргина ўтган йили фермер хўжалиги режадаги 156 ўрнига 180 тонна сут, 17 ўрнига 20 тонна гўшт маҳсулотлари етиштириб, аҳоли фаровонлигига баҳолиқудрат ҳисса қўшди. Фермер хўжалигининг жорий йилдаги мақсадлари янада улкан. Мўл ва арзон ҳосил етиштириш учун эса фидокорона меҳнат, интилувчанлик ва ташаббускорлик талаб этилади. Жамоанинг ҳар бир аъзосида эса ана шундай фазилат бор. Хукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш борасидаги қарорлари эса маҳсулдорликни ошириш йўлида дастуриламал бўлмоқда..

СУРАТДА: фермер хўжалиги аъзоси Зилолахон Эргашева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 2006 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН КУЧ»

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сканд Ранджан Тайалнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари

— Элчи жаноблари, Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги дипломатия миссиясига раҳбарлик қилаётганингизга ярим йилдан ошди. Суҳбатимизни Ўзбекистон ва унинг халқи тўғрисидаги таассуротларингиздан бошласак.

— Тошкентга келишим арафасида мамлакатингизда мендан аввал хизмат қилган ҳамкасбларим бу ерда мени жуда илиқ кутиб олишларини айтган эдилар. Айтишим керакки, уларнинг гаплари тўлиқ тасдиғини топди! Ўзбекистоннинг нафақат бой табиий захиралари, балки оққўнгил ва меҳнатсевар халқи ҳам бор. Вазирликларда ҳам, бозорларда ҳам мен одамларингизнинг «ҳиндистонлик меҳмон»га нисбатан самимий ва дўстона муносабатда бўлаётганини ҳис қилиб тураман. Бундай муносабат фақатгина Тошкентда эмас, балки Фарғона водийсида ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам бирдай кузатилади. Менда шаҳар ва қишлоқларингиздаги тозалик ва озодалик катта таассурот уйғотади. Бу борада ҳиндистонликлар сизлардан ибрат олса арзийди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойида Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Ўша ташрифнинг натижалари хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ислом Каримов Жаноби Олийларининг ўтган йил апрелида Ҳиндистонга қилган ташрифи том маънода тарихий аҳамият касб этиб, икки томонлама алоқаларимиз ривожига яхши туртки берди. Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатларимиз ўртасида юқори даражадаги ташрифлар мунтазам равишда бўлиб туради. Бу эса кўп асрлик тарихга эга бўлган алоқаларимиз ва чуқур маданий ўхшашлигимиздан далолатдир.

Ўзбекистон Президентининг ўтган йилги ташрифи чоғида қатор муҳим битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Шу жумладан, бошқа келишувлар ҳам ҳаётга татбиқ этилаётир. Хусусан, яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари Ғалиб институти томонидан ташкиллаштирилган семинарларда иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Ҳиндистоннинг Жаваҳарлал Неру номидаги университети вакил-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.



«Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Мўминов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини такомиллаштириш бўйича киритилган барча таклифлар батафсил муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси мазкур ҳужжатни иккинчи ўқишда қабул қилди.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Ж. Ниёзова тақдим этди. Қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқиш чоғида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Тўхташев тақдим этди. Моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Фирма номлари тўғрисида»ги ва «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси К. Жумамуротова тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатларнинг муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А. Турсунов ахборот берди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 136-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги маъруза билан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Раҳимов сўзга чиқди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Регламентининг мазкур моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х. Дўстмуҳамедов иккинчи ўқишда муҳокамага киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар оммавий ахборот воситаларига доир янги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш учун муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Фаол ўтган моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг кўриб чиқилган аксарият нормаларини такомиллаштириш юзасидан жиддий таклифлар киритилди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттирилади.

Жорий йилнинг 4-9 май кунлари Қашқадарё вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси бўлиб ўтади.

ҚУРЪА – МУСОБАҚАГА ИЛК ҚАДАМ

Кеча дастурдаги спорт турлари бўйича ўзаро учрашадиган жамоаларни аниқлаш учун қуръа ташлаш маросими бўлди. Унда мусобақа ташкилий қўмитаси аъзолари, барча спорт турлари бўйича бош ҳакамлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими тизими раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов қуръа ташлаш маросимини табрик сўзи билан бошлаб берди. У Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёнида вилоятда жуда катта ҳажмда қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаб, мактаб ўқувчиларининг катта спорт байрамини яхши ташкил этишга ҳисса қўшган барча мутасаддиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Қуръа ташлаш маросимини Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов бошқарди. Бирин-кетин спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи турлари бўйича мусобақанинг дастлабки босқичида учрашадиган жамоалар аниқланди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари тарихида биринчи марта жамоаларнинг рақибларини аниқлашда энг адолатли йўл — қуръа ташлаш усули қўлланилди.

Маросимда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ва халқ таълими вазири Туробжон Жўраев иштирок этдилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2005 йил 26 август куни Қозон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Чернобиль фожиасининг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Мурожаати қабул қилинган эди. Қуйида ана шу Мурожаат матни эълон қилинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авариянинг 20 йиллиги муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқлари ва жаҳон ҳамжамиятига

МУРОЖААТИ

2006 йил 26 апрель куни Чернобиль атом электр станциясида авария юз берганига 20 йил тўлади. У етказган зарари ва оқибатлари кўлами жиҳатидан XX асрнинг энг йирик техноген радиацион фожиаси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Чернобиль аварияси оқибатларини ёдга олган ҳолда, ушбу фожиа юз берган сана муносабати билан МДҲга аъзо давлатлар халқларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларга, бутун жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилади.

Мазкур авария натижасида ўзини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаган, бу қандай кулфат эканлигини қийинчилик билан тушуниб етган миллионлаб одамлар бу мусибатдан танг ҳолга тушди. Кўплаб оилалар уй-жойидан айрилди, тирикчилик манбаидан маҳрум бўлди, одатдаги турмуш тарзи ва шароитини ўзгартиришига тўғри келди.

Чернобиль атом электр станциясида рўй берган фожиа оқибатларини тугатишда қатнашган юз минглаб одамлар — ҳамюртларимиз жасорат ва жонбозлик кўрсатмаганида фалокат кўлами мислсиз даражада катта бўлиши мумкин эди. Улар ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, ўз бурчини адо этдилар ҳамда одамларни радиациянинг ҳалокатли таъсири ва янада кенг тарқалишидан ҳимоя қилдилар.

Фожиа оқибатларини бартараф этиш борасида ўша вақтнинг ўзида ва кейинги йилларда фавқулодда катта харажатлар талаб қиладиган чоралар кўрилганига қарамай, Чернобиль атом электр станцияси ҳамон Европа марказидаги катта хавф манбаи бўлиб қолмоқда. Бу таҳдидни яқин вақт ичида ва энг янги технологиялар асосида камайтириш бизнинг умумий манфаатларимизга мос келади. Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамиятининг илмий-техникавий ва молиявий салоҳиятини марказлаштирган ҳолда мазкур "Ёпиқ" объект хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига йўналтириш зарур.

Ҳозирги босқичда зарарланган ҳудудларни комплекс тарзда радиацион ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тиклаш ушбу даҳшатли фожиа оқибатларини бартараф этиш борасидаги энг долзарб муаммолардандир.

Айни пайтда зарарланган минтақаларда шароит ўта мураккаб бўлиб, бу экологик инфратузилманинг вайрон бўлгани, меҳнат ресурсларининг четга чиқиб кетгани ва демографик муаммолар билан боғлиқ. Атроф-муҳитнинг Чернобиль атом электр станциясида юз берган фожиадан кейинги ҳолати аҳоли учун яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини чеклаб қўймоқда. Айниқса, зарарланган ҳудудларда яшаётган аҳоли ва фожиа оқибатларини бартараф этишда қатнашган одамларнинг саломатлиги жиддий ташвиш туғдиради.

Тиклаш ишларидан кўзланган асосий мақсад — зарарланган минтақаларни барқарор ривожлантириш ва уларнинг иқтисодини кўтариш — янги ёндашувлар, илмий асосланган қарорлар, катта миқдордаги моддий харажат, халқаро ҳамжамиятнинг молиявий, техникавий ва илмий кўмагини талаб этади.

Биз Чернобиль фожиасининг кўлами мислсизлигини, кўплаб авлодлар ҳаётига таъсир ўтказиши мумкинлигини англаган ҳолда, Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария натижасида қурбон бўлган инсонлар хотирасини ёд этиш ва соғлиғини йўқотганларга ғамхўрлик кўрсатиш, мазкур кулфат оқибатларини камайтириш учун бор имкониятларимизни ишга солиш йўлидаги қатъий азму шижоатимизни маълум қиламиз.

Заминни қаттиқ босманг

22 апрель — Ер куни

Ҳаётнинг асосини уч манба — ер, сув ва ҳаво ташкил этади. Шу боис инсоният бу учала бебаҳо неъматни нест-нобуд қилмасликка, ундан унумли фойдаланишга интилиб яшайди. Халқимиз анъаналарига кўра ҳам, она- табиатнинг бу уч инъоми азалдан муқаддас саналиб, унга тирик мавжудотдай муносабатда бўлинган. Ҳозирги кунда эса уларнинг муҳофазаси, фойдаланиш меъёрлари тегишли қонун ва ҳукумат қарорларида белгилаб қўйилганки, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти.

Бугун дунё жамоатчилиги Ер кунини нишонламоқда. "Ер куни" бутун дунё ахборот тармоғи тарқатган хабарларга қараганда, бугундан эътиборан кенг жамоатчиликни глобал иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал этишга қаратилган уч йиллик ҳаракатлар бошланади.

Республикамизнинг турли гўшаларида ана шу санага бағишлаб "Экология ва саломатлик кунлари", ҳашарлар, экологик фестивалдар, бир сўз билан айтганда, ер ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланишга бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Экофестиваль-2006" тадбири уюштирилди. "Экосан" халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу экофестивалда "Она-замин инъомлари" кўргазмаси, рассомлар ижодидан намуналар, ранг-баранг гуллар композициялари намойиш этилди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШДА ИЛГАРИЛАБ БОРМОҚДА

Қатор ғарб оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизга қилаётган информацион хуружлари сусаймаётган бир пайтда холис экспертлар саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган ҳаққоний материалларнинг кўпаяётгани қувонарлидир. Эътиборингизга Москва Давлат халқаро алоқалар институти катта илмий ходими Леонид ГУСЕВнинг "АПН-Қозоғистон"да чоп этилган мақоласи тақдим этилар экан, унда Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий ва демократик ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бу йил Ўзбекистон мустақилликка эришганига 15 йил тўлади. Тарихан жуда қисқа бу фурсатда мамлакат улкан йўлни босиб ўтди. Ҳуқуқий-дунёвий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун конституциявий-ҳуқуқий пойдевор қўйилди, мамлакатни ривожлантириш стратегияси белгиланди. Босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтиш ва шу билан бирга, кучли ижтимоий сиёсат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон давлат ва жамиятнинг босқичма-босқич ўзгартирилиши бўйича муайян саъй-ҳаракатини намоён этди. Таъкидлаш лозимки, мамлакат бу йўлда эволюцион тарзда ривожланиб бормоқда.

2005 йил Ўзбекистонни демократлаштириш йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Мамлакат тарихида илк бор Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасидан иборат икки палатали парламент ташкил этилди ҳамда фаолиятини бошлади. Ушбу ислоҳотлар "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги каби конституциявий қонунлар асосида амалга оширилди.

Профессионал бўлган икки палатали парламент ва ҳукумат вакиллик идораларига сайловлар бугун ўзбек жамияти учун муҳим сиёсий имтиҳон бўлди. Сайлов жараёни сиёсий партияларнинг мусобақалашуви, номзодларнинг очиқ-ошкора баҳслари асосида ўтди. Партиялар ўз қарашларини ҳимоя қилувчи ва электорати учун курашувчи сиёсий куч сифатида умуман янги бир кўринишда намоён бўлишди. Ўртача ҳар бир депутатлик мандати учун 4-5 киши курашди.

Мамлакат ҳуқуқий тизимида изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими, жиноий жавобгарликни либераллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири — ўлим жазосини қўллаш турлари камайтирилди. Мамлакат мустақилликка эришгунига қадар қонунчиликда ўлим жазоси қўлланиладиган 30 та модда мавжуд эди. Ўзбекистоннинг 1994 йилдаги Жиноят кодексида бундай моддалар ўн учтагача, 1998 йилда саккизтагача, 2001 йилда эса тўрттагача қисқартирилди.

Сўнгги икки йил ичида, 2003 йилда жиноий қонунчиликни либераллаштириш бўйича мажмуавий чоралар кўрилганидан кейин ўлим жазоси фақат икки ҳолда — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун қўлланилиши кўзда тутилди. 2005 йилнинг август ойида "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Президенти Фармонлари қабул қилинди. Унга кўра 2008 йилнинг 1 январидан Ўзбекистонда ўлим жазоси жазолаш тури сифатида бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазолари қўлланилади.

Ушбу далиллар Ўзбекистонда мазкур соҳада амалга оширилаётган сиёсат тўлатўкис жаҳон тенденцияларига ва республика Конституциясида кўрсатиб ўтилган адолат ва инсонпарварлик тамойилларига мослигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган чуқур ўзгаришлар билан биргаликда хавфсизлик ва барқарорликка янги таҳдидлар кўлами, шунингдек, ҳар бир давлатдаги реал вазият ва ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда баъзи кучларнинг характер ва воситалари, қўйилган геосиёсий мақсадларга эришишдаги восита ва услублари ўзгармоқда.

Ушбу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачилик тузилмалар билан қўшилиш жараёни ҳамда бўлак вазиятда ўзлари террорчи гуруҳлар қаторига киритиладиган радикал диний ташкилотлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш каби фактлар жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ўтган йилнинг май ойида содир этилган Андижон фожиалари маълум кучларнинг мамлакатда ва умуман минтақадаги аҳволни беқарорлаштиришга ҳаракат қилганликларидан далолат беради. Аввалдан тайёргарлик кўрилган ушбу машъум сценарийни амалга оширишда Ўзбекистондан ташқарида иш юритаётган турли экстремистик марказлар (масалан, барчага маълум "Ҳизб-ут-Таҳрир" ташкилоти) бевосита қатнашди. Ўтказилган текширувлар Андижон воқеалари ташкилотчиларининг ҳақиқий мақсадларини рўйи-рост кўрсатиб қўйди. Таъкидлаш лозимки, ўтган йилнинг май ойида мамлакатни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар чиппакка чиқди.

Халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган айни пайтда фақат ўз фикри ва қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга бўлган халқ-қина ўз келажагини қуришга қодир куч бўла олади. Ўзбекистон мисолида ҳозирги замонда рўй бераётган ўзгаришларга ҳамоҳанг ҳаракат қилаётган мамлакатлар, умумжаҳон сиёсий ва иқтисодий жараёнлар қонунлари билан мос ривожланаётган жамиятларгина ютуққа эришиши намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яқинда "Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишимизга аралашиш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз" деб таъкидлаган эди.

Халқаро терроризм, айирмачилик ва экстремизмнинг асосий кўмакчиси, минтақада беқарорликни келтириб чиқарувчи катта куч наркобизнесдир. Ўзбекистон ушбу иллатларга қатъий ва аёвсиз кураш олиб бориш, бу борада халқаро ҳамжамият, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) доирасида рўёбга чиқарилаётган ҳаракатлар самарадорлигини ошириш тарафдоридир. ШҲТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш турли соҳаларни қамраб олади. Бугунги кунда улардан энг муҳим икки соҳаси — хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликдир.

Жаҳон ва халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган жадал ва чуқур ўзгаришлар шароитида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолияти қайд этилган вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, хавфсизликни таъминлаш масаласида минтақавий кучларни бирлаштириш ва ҳуқуқ-тартибот тизими мутахассисларининг амалий ҳамкорлик қилишида минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) фаолиятининг муҳимлигини таъкидлаш лозим. Айни пайтда МАТТнинг асосий вазифалари нафақат терроризм, экстремизм ва айирмачилик кўринишларига, балки ёшларнинг онгини заҳарлаб, уларни манқуртларга айлантириб, террорчилик хуружларини амалга оширадиган ўзига хос "цех"лар яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларнинг олиб бораётган фаол ғоявий ишларига қарши курашиш ҳамдир.

ШҲТ доирасида ҳамкорликнинг яна муҳим йўналишларидан бири — иқтисодий салоҳиятдир. ШҲТ давлатлари, жумладан, Ўзбекистон савдо-иқтисодий муносабатлар, Марказий Осиё ҳудудидан ўтувчи, ташкилотнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга омил бўлиши мумкин бўлган янги муқобил транспорт йўлларини қуриш бўйича дастурларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқдалар.

ШҲТ доирасида унга аъзо давлатларнинг иқтисодий салоҳиятидан, уларнинг иқтисодиёт соҳасидаги имкониятларидан ўзаро манфаатли фойдаланиш ҳам Ўзбекистоннинг узоқни кўзлаган манфаатларига жавоб беради. Бу эса мамлакатни модернизациялаштириш вазифаси турган давлат учун жуда муҳим.

Айни пайтда Ўзбекистонда юқори иқтисодий натижалар, дон ва энергетика соҳаларидаги мустақилликни таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши, бюджетнинг мувафқиятли ижро этилиши, иқтисодий янгиланиш жараёнининг, жумладан, хусусийлаштириш ва маъмурий ислоҳотлар йўли билан жадаллашишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2005 йилда мамлакатда иқтисодий ўсиш 7,2 фоизни ташкил этди, пул-кредит сиёсати инфляция даражасини 3,1 фоизда ушлаб туриш имконини берди. Бундан ташқари, бугун Ўзбекистонда тузилмавий янгиланишларнинг фаол сиёсати олиб борилмоқда: энергетика, металлургия ва нефть-газ мажмуалари корхоналари техникавий жиҳатдан янгиланиб, модернизациялаштирилаяпти, тўқимачилик, ипакчилик, кимё саноатида замонавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Фонд бозори ҳам тез ривожланмоқда. Шунингдек, янги соҳалар: автомобилсозлик саноати ("ДЭУ" автомобиллари чиқарилаётгани барчага маълум), биотехнология, фармацевтика саноати, телекоммуникация тизими изчил ривожланмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятда мақсадли характердаги хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини модернизациялаш ва ривожлантириш, жумладан, 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатини, 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш индустриясини, 2005-2007 йилларда инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақавий дастурларни амалга ошириш ҳамда 2005-2010 йилларда қишлоқ машинасозлигини ривожлантиришга қаратилган қатор узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган давлат дастурлари қабул қилинди.

Ўзбекистон иқтисодиётига хориж инвестицияларини жалб қилиш динамикаси тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кириб келишидаги йиллик ўсиш билан ифодаланади. Давлат сармоявий дастури доирасида 2005 йили ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2003 йилдагидан кўра икки баробар ошди.

Келтирилган рақамлар ва далиллар Ўзбекистонда ўзгаришлар қанчалик салобатли эканини кўрсатади. Улар мамлакатда тараққиёт пайдар-пай эмас, балки эволюцион характерга эга эканидан далолат беради. Муҳими, айни пайтда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида янгиланиш узлуксиз жараёнга айланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатда ижтимоий муҳофазани кўзда тутувчи бозор иқтисодиётига асосланган, дунёвий, демократик ва мустақил давлат қуриш йўналишидаги босқичма-босқич ислоҳотлар муваффақиятли давом этмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари ўртасида Ҳиндистоннинг иқтисодий тараққиёти ва тажрибасига бағишланган қўшма семинар ўтказилиши ҳам режалаштирилмоқда. Айни пайтда Тошкент ахборот технологиялари университети негизида Ҳиндистон-Ўзбекистон ахборот технологиялари марказини очиш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Бўлажак марказга мамлакатимизнинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлал Неру номи берилади. Ушбу даргоҳнинг расмий очилиш маросимини Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингхнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ўтказиш ниятидамиз.

Давлатларимиз ўртасида яқин, дўстона алоқалар ўрнатилган. Ҳиндистон Ўзбекистон сиймосида Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлай оладиган кучни кўради. Биз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам жуда яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз.

«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР БЎЛГАН КУЧ»

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Аминманки, уларнинг келажаги порлоқ. Айни пайтда бизнинг олдимизда юқори даражага кўтарилган сиёсий муносабатларимизни кенг кўламли иқтисодий ва тижорат алоқалари билан тўлдириш вазифаси турибди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон террорчилик балоси нима эканини жуда яхши билади. Биз айни пайтда жуда муҳим ва керакли ишларни амалга ошираётган Террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳини тузганмиз.

— Шу ўринда Ўзбекистон-Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг ҳозирги куни ва истиқболлари борасида нима дея оласиз?

— Йилдан-йилга иқтисодий алоқаларимиз кенгайиб, ривожланиб бормоқда, лекин ҳозирча талаб даражасига чиққани йўқ. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро савдосотиқ, сармоявий ҳамкорликни фаолроқ ривожлантиришга даъват этган. Қўйилган мақсадга эришишнинг муҳим механизмларидан бири — бу Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия. Унинг охирги — олтинчи мажлиси жорий йил март ойи бошларида Деҳлида бўлиб ўтди. Унда янги соҳалардаги ҳамкорлик имкониятларини ўрганишни йўлга қўйиш бўйича жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Комиссия углеводород саноати бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузишга келишиб олди. У Gas Authority of India, Ҳиндистон нефть ҳамда табиий газ бўйича комиссияси ҳамда «Ўзбекнефтегаз» ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганади. Бундан ташқари, Деҳлида Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма ишчи қўмитасининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди, яқинда бу борадаги чора-тадбирларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда. Давлатларимиз ҳамкорлик қилишни мўлжаллаётган яна бир соҳа — бу геология ва тоғ-кон саноати. Сизнинг мамлакатингиз табиий захираларга жуда бой, бизнинг компанияларимиз эса уларни қазиб олиш ва сотишда ёрдам бериши мумкин.

Компанияларимиз ўртасида тўқимачилик ва ипакчилик саноати, дори-дармон ишлаб чиқариш каби соҳаларда қўшма корхоналар тузиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда. Шунингдек, технологиялар алмашинуви, фан ва технология, қишлоқ хўжалиги, информатика соҳаларида таълим беришни йўлга қўйиш бўйича алоқаларни фаоллаштиришимиз лозим.

Айни дамда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган ҳужжатлар лойиҳасининг муҳокамаси кетмоқда. Мамлакатларимиз етакчиларининг Тошкентдаги учрашуви ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишини тезлаштиради, деб умид қиламиз.

— Кўп йиллардан буён Ўзбекистон пойтахтида Лаъл Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданий маркази фаолият юритиб, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва академик алоқаларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Айтингчи, бу каби марказлар дунёнинг қайси давлатларида мавжуд?

— Маданият марказини ташкил этиш бирмунча қиммат лойиҳа ҳисобланади. Шу боис биз бу каби муассасаларни фақатгина ўзимизга дўст бўлган ва Ҳиндистоннинг бой ва серқирра маданиятини ўрганишга қизиқиш билдирилган мамлакатлардагина очамиз.

Тошкентдаги марказ хусусида тўхталиб, унинг фаолияти мени тўлиқ қониқтираётганини таъкидлашни истардим. Бу ерда ўз касбининг фидоийлари меҳнат қилади. Ўзбекистонлик ўқувчилар эса машғулотларга тиришқоқлик билан ёндашмоқда. Менда юртингиз вакилларининг ҳинд рақслари, табла чалиш, ҳинд тилини ўрганишга бўлган интилиши ва бу борадаги ютуклари катта таассурот қолдирди. Яқиндан бошлаб биз, ўзбекистонликларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда, Ҳиндистондан йога бўйича мутахассисни таклиф этдик ва у айни пайтда марказда дарс бера бошлади. Маълумки, йога инсонга терапевтик таъсир ўтказиб, тушкунлик кайфиятини енгиб ўтишга ёрдам беради. Ўйлайманки, тошкентликлар орасида йога дарслари муваффақият қозонади.

Элчихонамиз Тошкент билан бир қаторда Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари аҳолисини ҳам ҳинд маданияти билан яқинроқ таништиришни режалаштирмоқда. Айни пайтга қадар маҳаллий маъмурият вакилларининг кўмагида Андижон ва Фарғона шаҳарларида маданий марказимиз ижодий гуруҳларининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтказилди. Шу каби тадбирларни республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказиш кўзда тутилган. Келажакда эса Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида ҳинд фильмлари фестивалини ўтказишни ният қилганмиз ва ўз навбатида Ҳиндистонда ўзбек киноси фестивалининг ўтказилишига умид қилиб қоламиз.

Шуҳрат УМИРОВ суҳбатлашди.
«Жаҳон» АА мухбири.

Электрдан қарзингиз йўқми?

«Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖда ўтказилган семинар йиғилишда электр энергиясидан фойдаланишда ҳисоб-китоб механизмининг тубдан ўзгартирилиши, назорат тизимининг мустаҳкамланиши, шунингдек, жойларда электр энергиясидан мавжуд дебитор қарздорликларни қисқартириш борасидаги ишларнинг жадаллашуви каби масалалар муҳокама қилинди. Бугунги кунда мазкур тизим вилоятдаги 119251 та истеъмолчига электр энергияси етказиб бермоқда. Айни вақтда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси учун умумий қарздорлик 8458,9 млн. сўмни, шу жумладан, аҳолининг қарздорлиги 4115,5 млн. сўмни ташкил қилади.

Семинар йиғилишда сўзга чиққанлар туман ва шаҳар электр тармоқлари ходимларининг аҳоли хонадонлари қарздорлигини ундириш борасидаги ишлари қониқарли ташкил этилмаганлигини, электр энергиясининг огоҳлантириш қоғозисиз узилиши каби ҳолларга чек қўйиш, қарздор истеъмолчилардан мажбурий тартибда қарз ундиришнинг бирламчи ҳужжатларни тайёрлаш ҳақида фикр юритдилар. Шунингдек, улар электр тармоқлари корхонаси томонидан туманларда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, истеъмолчиларнинг қарзларини тўлагунга қадар суд қарори асосида барча ҳисоб рақамларидаги ҳаракатларни тўхатиш каби қатор таклифларни ҳам ўртага ташлашди.

Д. ҚАМАРИТДИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

"Халқ сўзи" назоратида

Газетамизнинг жорий йилги 22 февраль сонида Паркент туманидаги Заркент ва Сўқоқ қишлоқлари аҳолиси ёзган "Ваъданинг чеки борми?" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда қишли-қировли кунларда мазкур ҳудудларга табиий газ етиб бормаётгани ҳақида сўз юритилганди. Шу муносабат билан яқинда туман ҳокими А.АЗАМАТОВдан расмий жавоб олдик.

Газ таъминоти яхшиланмоқда

Жавобда таъкидланишича, қишнинг совуқ кеши туфайли "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясига қарашли магистрал қувурнинг Паркент туманига кирадиган қисмида газ босими белгиланган меъёрдагидан тўрт баравар пасайиб кетган. Оқибатда январь ойида ва февралнинг дастлабки тўққиз кунида Заркент ҳамда Сўқоққа "зангори олов" етиб бормаган. Бундан ташқари, 14 километр узунликдаги иккинчи газ тармоғининг ҳали қуриб битказилмаган 6,6 километрлик бўлаги 2005 йилги манзилий дастурга киритилганига қарамай, "Тошвилоятгаз" корхонаси атиги 900 метр масофага қувур тортган. Бу ҳам аҳолини табиий газ билан таъминлашда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарган. Ана шу боис ўтган йил декабрь ойидан эътиборан тоғолди қишлоқларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳудуддаги 95 та корхона, ташкилот, ошхона ва ғишт заводи, туман ҳокими қарорига кўра, қиш мавсуми тугагунга қадар табиий газ манбаидан узиб қўйилган.

Ҳозирга келиб, босим кўтарилиши натижасида туманнинг барча аҳоли пунктларига табиий газ зарур миқдорда етказиб берилмоқда. Иккинчи тармоқнинг қолган 5,7 километрлик қисмини қуриш эса 550 миллион сўмга молиялаштирилган ҳолда 2006 йилги манзилий дастурга киритилган. Унинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши масаласи туман ҳокимлиги назоратига олинган.

Миллионерлар экспорти

«Марҳамат электротехника» очиқ акциядорлик жамияти «РДЗ-10 кв-400 А», «КУ-700» ўчиргичлари, «ПН-100», «ПН-250», «ВР-400 А», «ВР-630 А» сингари сақлагичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиргач, «УзДЭУавто» қўшма корхонасига «Нексия», «Дамас»ларнинг эшиклари учун қулф илмоқлари, олд ва орқа қанотлари қулфлари тайёрлаб беришни ҳам йўлга қўйди. Шуниси диққатга сазоворки, қишлоқ саноатчилари маҳсулотларининг асосий қисми Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида хорижлик мижозларга 53 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

Корхона жамоаси бақорнинг илк кунларидан бошлаб «Ўзбекэнерго» компанияси буюртмасини ҳам бажаришга киришди. Шартномага кўра 84 миллион сўмлик иш амалга оширилмоғи зарур. Трансформаторларнинг электр манбаидан ажратувчи мосламалари жаҳон андозалари талаблари даражасида тайёрланаётгани учун ҳам буюртмачиларга манзур бўлаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор сабоқлари

Пиллачилик:

КЕЧАГИ КУНДАН

I.

Гап пиллачилик ҳақида кетаркан, аввало, газетхон тасаввур этиши ва мушоҳада юритиши учун бу тармоқдаги мавжуд аҳволга бир назар ташлашга тўғри келади.

МАЪЛУМОТНОМА.

2004 йилда мамлакатимиз бўйича жами 16861 тонна пилла тайёрланган бўлса, ўтган йили бундан сал кўпроқ — 16900 тоннали хирмон уйилди, холос. Бошқача айтганда, икки йил мобайнида ҳам белгиланган топшириқлар уддаланмади.

Ҳосилдорлик-чи? 1990 йили ҳар қути қурт уруғидан ўртача 63,5 килограммдан пилла олинган эди. Афсуски, бу кўрсаткич 2000 йилда 50,5 килограммга, якунланган йилда эса 49 килограммга тушиб кетди.

Кўриниб турибдики, пиллачиликда вужудга келган аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Пахта ва ғалла сингари пилла ҳам давлатимиз куч-қудратини, иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий маҳсулотлар сирасига кирса, бунинг учун халқимизда етарли тажриба ва имконият бўлса, устига устак, у билан ризқу насибамиз бутун экан, нима учун тармоқда бунчалик қолоқликка юз тутилди? Бунинг асосий сабаблари нимада?

Очиғи, сабаблар кўп.

БИРИНЧИ ДАЛИЛ.

Бу — Китоб туманилик Ҳусан Раҳмоновнинг таҳририятимизга йўллаган хатида кўтарилган мана бу масала.

«Ўтган йили оиламиз билан «Шукур бобо ўғиллари» фермер хўжалиги ҳисобидан 35 грамм (салкам икки қути) қурт уруғини боқиб, давлатга 124,5 килограмм пилла топширдик, — деб ёзади у. — Яъни режадагидан 24,5 килограмм кўп ҳосил етиштирдик.

Фермер хўжалиги ҳисобчиси Зиёдулло Шукуров якунда ҳисоб-китоб қилиб, бизга пиллачиликдан ҳаммаси бўлиб 102012 сўм даромад ҳисобланганини айтди.

Ҳайратланарлиси, қурт боқиш олдидан звеномизга бўнак (аванс) пули сифатида 2 халта ун берилганди. Қарангки, савдо дўконларида «Яккабоғ дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида тайёрланган бир халта ун нархи 11000 сўмдан сотилаётган бўлса-да, бизга уни 13,5 минг сўмдан баҳолашибди. Натижада бунга 27 минг сўм кирим қилинибди.

Лекин ҳисобчининг сўнгги гапидан сал таскин топгандай бўлдик. Гап шундаки, қўлимизга теккан пулга барг кесиш, уни олиб келиш, ҳосилни кўпчилик ёрдамида териб олиб, қабул пунктига топшириш харажатлари қўшилмабди.

Тасаввур қилинг: ипак қурти боқиш сермашаққат юмуш — бир ой мобайнида оиладаги 6-7 киши кечаю кундуз тиним билмайди. Шундай бўлгач, пиллакор меҳнатига яраша даромад олишим керак эмасми?»

ИККИНЧИ ДАДИЛ.

Ипак қурти дегани — тут барги билан тирик. Бироқ, маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йил мобайнида унинг ана шу асосий озуқаси ҳисобланган тутзорлар майдони кескин камайган. Ўтган асрнинг 90-йилларида, айтайлик, юртимизда 290 миллион туп атрофида тут дарахти бўлган бўлса, 2004 йил охирига келиб, бу кўрсаткич 95 миллион тупга тушиб қолган.

Шунга қарамасдан, ҳудудларда нафақат янги тут кўчатлари экиш, балки унинг серозуқа навларини яратиш ва районлаштириш борасида ҳам жиддий иш қилинмади. Йиллар давомида, шунингдек, ипак қурти генетикаси, селекцияси ва наслчилигини яхшилаш бўйича тилга тушгудек тадқиқотлар олиб борилмагани ҳам бор гап. Аксинча, бир мавсумда икки марта (Хитойда 5 марта) ҳосил олиш тажрибаси ҳам юлдуз узундан-узоқ ҳисоботлар ёзилса-да, амалда унга ҳатто қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашувчи мутасадди ташкилот — Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатиш маркази томонидан ҳам панжа орасидан қаралди. Оқибатда тутзорларнинг аксарияти касалланди. Айрим кишиларнинг «Тут парвонаси»дан қутулишнинг ягона йўли шу» деган баҳонада тут дарахтларини аёвсиз каллаклаб, ундан ўтин сифатида ва ҳунармандчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйганлари эса ҳаммасидан ошиб тушди.

Хўш, «Тут парвонаси» деган касаллик шунчалик бедавомиди?

— Унинг уруғи асосан дарахт каваклари ва илдизлари атрофида «қишлайди», — дейди риштонлик тажрибали пиллакор Розиқ Отахонов. — Шунинг учун кеч кузакда дарахтлар тагини юмшатиш уларни йўқотишда яхши самара беради. Аммо амалда бу тадбир қўл учида бажарилаяпти.

Нима дедингиз, отахоннинг қуйинишлари изоҳ талаб этмаса керак?

УЧИНЧИ ДАЛИЛ.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё бозори — биржа савдоларида 2001 йилда кўрмай сўнди.

Шу билан бирга, ёдингизда бўлса, 1994-1995 йилларда Сурхондарё вилояти тутзорларида «Тут парвонаси» касаллиги тарқалиб, ушбу офат, халқона қилиб айтганда, «дард устига чипқон» бўлди. Афсуски, бу ҳақда катта-кичик давраларда кўп ва хўб гапирилиб, тегишли маҳкамаларга бир килограмм ипак толасининг нархи 14 АҚШ долларида баҳолангани ҳолда, йил ўтмасдан, у ҳатто 10 долларга ҳам сотилмади. Табиийки, нархдаги ана шу фарқ — 3-4 доллар йирик ипак етиштирувчи монопол, яъни биржага йилига ярим миллион тонна ипак хомашёси чиқарадиган давлатлар иқтисодиётида арзимасдек туюлган бўлса-да, Ўзбекистондек бозор муносабатлари шароитида ривожланаётган мамлакатга бундай ўзгаришлар ҳам таъсир этмай қолмади.

ТЎРТИНЧИ ДАЛИЛ.

Пиллачиликнинг оқсоқланишида, ниҳоят, мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналари жамоалари ҳам сезиларли даражада айбдордир. Нега деганда, ўтган йиллар ичида мазкур соҳага ихтисослашган ана шу корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар ва хориж инвестицияларини жалб этиш йўлида жиддий қадам қўйилмади. Шундай экан, жаҳон андозалари талабларига жавоб бермайдиган ипак толасига ким ҳам харидор бўлади, дейсиз?

Шуларни ўқиган ҳурматли бир ҳамкасбимиз, одатига кўра, ҳозиржавоблик билан: «Ҳаммаси кечаги кундан қолган ишлар-ку!» — деди. Ҳақ гап. Ахир, бугунги куннинг талаби ҳам, олдимизга қўйилган вазифаларнинг кўламию миқёси ҳам бўлакча.

II.

«Кечаги кундан қолган ишлар». Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун бу тармоқда ҳам ана шу уну-

Ёшлар мавзуи – йирик тасвирда

Шу йилнинг 2 май куни Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг «Ижодий парвоз» иккинчи халқаро кинофестивали очилади.

Бир ҳафта давомида Киночилар уйи, «Гранд синема», «Гагарин» ҳамда «Қозоғистон», Самарқанддаги «Шарқ Юлдузи» кинотеатрларида, шунингдек, М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва ўзбекистонлик ёш режиссёрларнинг 26 та кинолентаси намойиш этилади. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси кинофонди, Ўзбекистон «Мусаффо осмон» ассоциацияси, «Ўзбекфильм» киностудияси фестиваль ташкилотчиларидир.

Киночилар уйида бўлиб ўтган анжуманда сўзга чиққан фестиваль директори Н.Қўчқоровнинг таъкидлашича, кинофестивални ташкил этишдан мақсад Марказий Осиё мамлакатлари ёш киночилари ўртасида мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, улар ижодига эътиборни янада кучайтириш ҳамда ўз истеъдодини намойиш қилишларида кўмаклашишдан иборат. Фестиваль доирасида ўтказиладиган Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Швейцария, Франция ва ўзбекистонлик мутахассислар иштирокидаги форумларда ёш режиссёрларнинг ўзаро фикр алмашишлари учун имконият яратилади.

Таъкидлаш жоизки, фестиваль ўзининг имкониятларини 2004 йилдаёқ намойиш этган бўлиб, унинг ғолиблари бўлган ёш режиссёрлар ўз ижод намуналари билан Канн кинофестивалининг танловдан ташқари дастурида иштирок этган эдилар. Ҳайъат аъзоларининг фикрига кўра, бу йил ҳам фестивалда намойиш этилиши кутилаётган фильмлар орасида ёшлар муаммолари ва замонавий мавзудаги киноленталар оз эмас.

«Гулистон»нинг янги нашри

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» асари янги нашрининг тақдимоти бўлди.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрланган ушбу нашрга ўтган асрнинг бошларида Мулла Муродхўжа томонидан она тилимизга ўгирилган ва 1909 йилда Тошкент матбаасида «Шавқи Гулистон» номи билан чоп этилган таржимаси асос қилиб олинган.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида неча минг йиллик миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилимизга ўгириш, нашр қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Шайх Саъдийнинг «Гулистон»и ана шундай ноёб асарлардандир. Асар ўз вақтида бир неча бор ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Саймфи Саройи, Муҳаммадризо Огаҳий каби атоқли адиблар ана шундай хайрли ишга қўл урганлар. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, улар орасида Мулла Муродхўжа қаламига мансуб таржима тилининг нисбатан соддалиги ва равонлиги билан алоҳида ажралиб туради. «Гулистон»нинг ажойиб безаклар билан чоп этилган янги нашрига ушбу матн асос қилиб олинишининг боиси ҳам шунда. Таъкидланганидек, яратилганига салкам етти юз эллик йил бўлган мазкур асарнинг «Фан» нашриётида тегишли изоҳ ва тўлдиришлар билан нашр этилиши маданий ҳаётда муҳим воқеадир.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Куйлаётган поезд

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубий маркази «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси билан ҳамкорликда «Халқ ижодиёти поезди»ни ташкил қилди.

Унинг таркибида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган фестиваль ва танловлар ғолиблари, халқ ижодиёти намуналарини маромига етказиб ижро этадиган истеъдод соҳиблари бор.

Илк бор ташкил этилган «Халқ ижодиёти поезди» қатнашчилари қаерга йўл олмасин, ҳамиша одамлар қуршовида бўлди. Зотан, миллий либосдаги карнайчи-ю сурнайчиларга, лапарчи-ю ўланчиларга, қадимий достонларни булбулдай куйлаётган бахши-ю оқинларга тан бермасликнинг иложи йўқ эди.

Гапнинг рости, Сирдарё вилоятидаги учрашувни кўрибоқ, «Шунчалик, тадбир ташкил этилса-ю машҳур санъаткорлар таклиф этилмаса» — деган иштибоҳ беҳуда эканлигини англадим.

Халқ ижоди намуналари наинки санъат, балки тарих ҳамдир. «Қўқон ёр-ёри» фольклор-этнографик ансамбли қўшиқ ва рақсларида сўлим Фарғонанинг нафаси уфурса, таниқли бахши Илҳом Норовнинг термаларида Сурхон воҳасининг ўзига хос анъаналари мужассам.

Хуллас, «Халқ ижодиёти поезди» мамлакатимизнинг бешта вилоятида учрашувлар ўтказиб, санъат ихлосмандларининг олқишларига сазовор бўлишди.

Муфтилло ЮСУПОВ.

Давр тақазо этаётган технология

ТАЪЛИМ

Тошкент архитектура-қурилиш институти халқаро миқёсда ҳам ўз мавқеини йўқотмай, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалда татбиқ этиб келаётир. Аввало, мазкур маскан архитектура ва қурилиш йўналиши бўйича етакчи институт эканлиги инобатга олиниб, ўқув жараёнини инновация технологияларига доир услубий қўлланмалар билан такомиллаштириш ва шулар асосида ўқув дастурларига тегишли янгиликлар киритиш кўзда тутилган.

Эътиборли томони институтда ўқитувчи ва ходимларнинг иш ҳақларини қайта кўриб, ички заҳира маблағи ҳисобидан фаол ишлаётган ходимлар маошини ошириш масаласи кўрилмоқда. Иш ҳақига қўшимча маош миқдори ҳар бир ходимни ўз вазифасига бўлган масъулиятига қараб белгиланадиган бўлди. Шунингдек, институт ўқитувчилари орасида ўқув йили рейтинги натижалари ва махсус ҳайъатнинг хулосасига кўра "Энг тажрибали ўқитувчи" деган институт ёрлиғи берилади ва уларни маошига устама ҳақ тўланади. Бундай тадбирлар ўқитувчиларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини оширади, ўқув-услубий ишлар мавқеи кўтарилади, деб ўйлаймиз.

Институтни битирган бугунги қурувчи, архитектор ёки мутахассис ўз иш фаолиятини усталикдан бошлайди. У қурилиш майдонида янги инновацион технологияларни обдон ўрганган-дагина уни бошқара олади, акс ҳолда ёш мутахассиснинг бундай шароитда замонавий техникани бошқариши мушкул. Чунки у институт остонасида бозор сиёсати талабларини қондира оладиган рақобатбардош инновацион технологияга асосланган ўқув дастури бўйича билим олмаган.

Буни айтишдан мақсад шуки, олий ўқув юртларида масофадан информацион технологияларга асосан ўқиш тизимини қайтадан ташкил қилиш вақти келди. Ҳозир қурилиш майдонида ишлаган ҳар бир мутахассис, аввало, амалий муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлиши керак. Шу билан бирга, ҳар бир ўқитувчи ўз соҳасини тўла ва мукаммал билиши шарт.

Масалани чуқурроқ ўйлаб, бундай ёшлар ишлаб чиқаришда ҳам қатнашса, ўқиши учун маблағ топса, улар аввало инновацион технологиялар билан ишлаётган қурилиш индустрияси учун етук мутахассис бўлиб етишадилар. Шу билан бирга уларнинг ота-оналари бериб турадиган моддий ёрдамдан халос қилар эдик.

Албатта, бундай ўқиш тизимини барпо этиш ўзига яраша муаммоларни туғдиради. Лекин масофадан ўқиш жараёнини юқори талабчанлик асосида назорат қилиш механизми ишлаб чиқилса ва амалда қўлланса, илмга чанқоқ ёшларимиз орасидан малакали муҳандислар етишишига имкон яратган бўлар эдик.

Республикамизга жалб қилинаётган йирик инвесторлар иқтисодиётни кўтаришда катта аҳамиятга эга. Уларнинг аксарияти ўзларининг инновацион технологиялари билан келмоқдалар. Аммо уларни маҳаллий шароитга мослаштиришда илмий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш керак бўлади. Масалан, республикамизда янги, замонавий ашёлар ишлаб чиқариш мақсадида жуда кўп йирик хорижий фирмалар уюштирилаётган кўргазмаларда қатнашмоқдалар. Улар ўзларининг инновацион технологияларини таклиф қилмоқдалар. Лекин бундай инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, аввало, маҳаллий хомашё оиласи тўла шаклланган ёшлар киради. Бундай илмий йўналишни танлаган бўлажак олим оилаларини моддий томондан қўллаш зарурлигини ҳамда тажрибаҳоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва шу сингари масалаларни инобатга олинса, аспирантурага қурилиш, механика, геология-тоғ, каби техника йўналиши бўйича илмий кадрлар тайёрлашда сезиларли муваффақиятга эришган бўлардик.

Ривожланган давлатлардаги илмий даражалар беришнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиб, қуйидаги таклифларни ўринли деб ҳисоблайман. Фикримизча, илмий текшириш ва олий ўқув юртларининг ҳозирги салоҳиятини, имкониятини инобатга олиб, малакали илмий кадрларни тайёрлаш жараёнининг икки босқичдан иборат бўлишини, яъни, фан номзоди ва фан доктори унвонларини беришни сақлаб қолиш керак, деб ўйлаймиз.

Президентимизнинг ҳар томонлама етук, миллат орзуларини рўёбга чиқара оладиган янги авлодни вояга етказиш энг муҳим вазифаларимиздан биридир, деган кўрсатмалари олий ва ўрта-махсус таълим мутахассислари учун фаолият мазмуни бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий юксалиш жараёни индустриал-инновация стратегиясини ҳар томонлама қўллаш натижасида рўй бераётганлигини Юртбошимиз 2005 йил якунларига бағишланган ҳукумат йиғилишида батафсил таҳлил қилдилар. 2006 йилда ишлаб чиқариш саноатини йил давомида ўртача ривожланиш кўрсатгичи 6.5 фоиз бўлишлигини таъминлаш, иш унумини 2-3 баробар ошириш, ички ялпи маҳсулот етиштиришда ёқилғи энергияси сарфини салкам 2 баробар камайтириш, фан ютуқлари ва юқори технологияларни саноат қурилишига жалб этиш, маҳсулот сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш каби вазифалар юклатилди.

Бундай улуғвор вазифаларни илғор инновацион технология ва индустриал инновация стратегияни бошқарадиган кадрларгина адо этиши мумкин. Илғор ривожланган давлатларда иқтисодий юксалишни таъминлаш ва шароит яратиш учун ёш малакали мутахассисларни тайёрлашга асосий масала сифатида қаралади.

Республикамизда ҳам мутахассислар тайёрлаш динамикаси жадал ўсмоқда. Яратилаётган инновацион технологияларни мукаммал эгаллай оладиган қурувчи, механик, энергетик ва шу каби мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо, ҳозирги кунда республикамизда замонавий технологияларни бошқара оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш тизими талабга жавоб бермайди. Бунинг учун хорижий тилларни мукаммал биладиган, ўқув-услубий ва фан-техника инновацион технологиялардан хабардор ҳамда ўқитув тизимини таҳлил қилаоладиган мутахассислардан ташкил топган марказ тузиш керак.

Иқтисодиётимизнинг ривожланишига асосий туртки берувчи йўналишлардан қурилиш, энергетика, қазилма бойликларни излаш ва улар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигига доир инновацион технологияларни бошқаришга доир ўқув режа ва дастурларни ўрганиш ва уларни республика ўқув юртларида татбиқ этиш каби масалалар бўлажак марказнинг асосий вазифасидир.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари билан касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш ҳамоҳанглигини таъминлаш билан бирга техника ва гуманитар йўналишлар орасидаги фарқни иқтисодиётнинг ўсиш ресурсига мос келадиган кадрлар тайёрлаш зарурлиги таҳлил қилиниши лозим. Шу билан бирга индустриал-инновацияни кенгайтиришга ва юксалишга доир мутахассисларни тайёрлаш қониқарли эмас. Жумладан, олий ва ўрта махсус билим юртларида иқтисодиётнинг барча йўналишларига мос малакали менеджерлар, экспертлар, иншоот ва мулкларни баҳоловчилар, инновация маркетингларини венчур усуллари билан молиялаш, юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари учун муҳандис кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарур.

Эркин ҚОСИМОВ, техника фанлари доктори, профессор.

Қолган ишлар

тилган ишларга ечим топиш, пиллачиликни барқарор ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни жонлантириш мақсадида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2003 йил 9 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси «Пиллачилик соҳаси корхоналарининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

МАЪЛУМОТНОМА.

Бу ҳужжатга кўра, «Ўзбек ипаги» уюшмаси корхоналарини айланма маблағлар билан тўлдириш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари олдидаги қарзларини ўз вақтида қайтариш, бир килограмм хўл пилла учун 2004 йилда 680 сўм, 2005 йилда 810 сўм тўлаш каби бир қатор вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, 2003 йилдан бошлаб уюшма тасарруфидаги корхоналарга ипак ипнинг бўш қолдиқларини ва ишлаб чиқарилаётган қуруқ пилланинг 50 фоизигачасини жаҳон даражасидаги нархда экспортга чиқаришга, товар-хомашё биржалари орқали эркин алмаштириладиган ва миллий валютага сотишга рухсат берилди. Пировардида эса, тайёрланган хомашё (қуруқ пилла) экспорти кескин камайтирилиб, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми республикамиз қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилди. Аниқроқ қилиб айтганда, уюшма таркибидаги 20 га яқин саноат корхонаси ва 40 дан зиёд кичик корхонанинг хомашё билан таъминланиши натижасида уларда маҳсулот ишлаб чиқариш қайтадан йўлга қўйилди.

Ҳукумат қарорида 2004 йилдан эътиборан «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимидаги корхоналар пилла етиштирувчилар билан контрактация шартномаларини 1 февралгача тузиши, 1 апрелдан кечиктирмай бўнак пулини бериши, тўлиқ ҳисоб-китобни эса 1 ноябрдан кечиктирмай амалга ошириши тартиби ҳам белгиланган эди. Бу талаблар ижросини таъминлаш туфайли тармоқда асосий муаммолардан бири — етиштирилган ҳосил учун ҳақ тўлаш масаласи деярли ҳал этилди. Ўз навбатида, озуқа базасини мустаҳкамлаш учун республика ҳукумати томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги тутзорлар бунёд қилиш учун 17,0 минг гектардан зиёд ер ажратилди, ҳатто фермерларга «Сизга, мана, 50 гектар ер берилди. Агар шу майдонга тут кўчати ёки қаламчасини экмасангиз, хўжалигингиз рўйхатдан ўтмайди» деган талаб ҳам қўйилди. Ана шу тадбирлар натижасида эса, 2005 йилнинг ўзида 6 минг гектар сувли майдонда тутзорлар яратилди.

Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бошқа соҳалар қаторида пиллачилик тармоғида ҳам туб бурилиш ясади. Ундаги имтиёз ва қулайликлар хорижий инвесторларда катта қизиқиш уйғотди. Аниқроғи, мамлакатимизда хомашёнинг мўллиги, малакали ишчи кучининг етарлилиги чет эллик сармоядорларни янги корхоналар ташкил этишга ундади.

МАЪЛУМОТНОМА.

Пойтахтимизда «Силвер Силк» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, «ХУА ДУ» (Хитой) хорижий корхонаси, Навоий шаҳрида эса «Навоий Силк» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бунёд этилди. Эътиборлиси, чет эллик хусусий инвесторлар маблағи ҳисобига замонавий технологик дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу саноат корхоналарида салкам 800 та янги иш ўрни вужудга келди.

Улар мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига қандай наф келтиради? Биргина «Силвер Силк» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Унинг биринчи босқичини ишга туширишга 600 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланди. Бу маблағ эвазига 350 тонна ипак чиқиндисини қайта ишлаб, 100 тонна ипак ип тайёрлайдиган технологиялар ўрнатилди. Эндиликда ушбу жамоа 1,2 млн. АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилмоқда.

Фақат шугина эмас. Қўшма корхонанинг иккинчи босқичига 1 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилиш, уни жорий йилда ишга туширишга ҳам режалаштирилган. Истиқболда эса бу ерда йилига 3 млн. АҚШ доллари қийматидаги тайёр маҳсулот тайёрланиб, хорижга юборилади. Яна 250 нафардан зиёд йигит-қиз мунтазам иш билан таъминланади.

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг устувор режасига асосан, 2006 йилда ҳам республикамизда хориж сармояси иштирокида 4 та йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Бухоро вилоятида йилига 130 тонна, Самарқанддаги «Ҳужум» акциядорлик жамияти негизида 120 тонна табиий ипак ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилади. Шунингдек, Хитой давлати гранти ёрдамида «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамиятига 4 млн. АҚШ доллари, «Қўқон шойи тўқиш фабрикаси»га 2 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилиб, уларда ҳам келгусида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳалигача пилла хомашёсини қайта ишлаш корхоналари йўқ. Шу боис ҳозирда ушбу ҳудудларда ҳам шундай корхоналар қуриш юзасидан муайян ишлар бошлаб юборилди. Қадимдан ипакчилар шаҳарлари ҳисобланган Марғилон ва Наманганда эса, ипакли газламалар ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар қувватлари янада оширилди. Хусусан, Марғилонда эронлик ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма корхонада 150 нафар тўқувчи жаҳон андозаларига мос ипак гиламларни ишлаб чиқармоқда.

Устувор лойиҳаларга мувофиқ, нафақат хомашёни қайта ишлаш, уни тайёр маҳсулот ҳолига келтириш ва экспортга чиқариш, балки сифатли ипак қурти уруғини яратишга ҳам катта аҳамият берилаяпти. Шу мақсадда Бўстонлиқ туманида япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда элита уруғини тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Хўжаобод туманида Хитой фирмалари иштирокида ипак қурти тайёрлайдиган қўшма корхона ташкил этиш ишлари эса якунланаяпти.

Ҳа, республикамиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасининг йирик тармоқлардан бири — пиллачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, бу йил «кумуш тола» етиштириш ҳажмини 20 минг тоннага етказиш, табиий ипакдан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган вазифалар ҳозирда изчил амалга оширилиб, бу борада эътиборга молик самараларга эришилмоқда. Ана шу самаралар эса, ўзбек ипаги яна аввалги шон-шуҳратини тиклашига ишонч уйғотмоқда.

Икром ЎТБОСАРОВ.

Маънавият

Зарафшон дарёси Самарқанд вилояти ҳудудида Оқдарё ва Қорадарёга бўлиниб оқади, икки дарё оралиғи эса Миёнқол деб аталади. Кейинчалик Самарқанддан Хатирчигача бўлган ҳудуд ҳам шундай аталган.

Миёнқол мавлоналари

Бу жой қадимдан ўзининг бой адабий муҳитига эга бўлган. Улардан бири Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзамнинг тасаввуфий ғояларини ривожлантирган шоир Сўфи Оллоёрдир. У Каттақўрғон тумани Минглар қишлоғидаги Оллоқули хонадонида 1644 йилда туғилган. Дастлаб қишлоқдаги эски мактабда, сўнгра Бухоро мадрасаларида таълим олган. Бироз муддат солиқ йиғувчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик Жўйбор шахслари ва машҳур мутасаввуф шайх Ҳабибуллоҳдан таҳсил олиб, шайхлик даражасига кўтарилган. Инсоний ва илоҳий ишқ, ҳалоллик, тўғрилик Сўфи Оллоёр асарларининг асосий ғоясидир. «Маслак ул-муттақийн, «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Сирож ул-ожизин», «Махзан ул-мутиъ»н», «Нажот ул-толибин» асарлари халқ орасида машҳурлик топган. У форс ва араб тилларини яхши билгани ҳолда кўпгина асарларини ўзбек тилида ёзган. Сўфи Оллоёр ижодида панду насиҳат етакчи ўринда туради:

Очиқ кўллик,
кушода юзли бўлғил,
Мурувватлик, мулойим
сўзли бўлғил.

Мулойим тил билан
боҳарбу безарб,
Бировни келтирурлар
шарқдан ғарб.

Сучук тилдур ажиб
ганжа муаззам
Ато қилғон ҳеч
бўлмагай кам...

Сўфи Оллоёр элни севган шоир: у ўз муридлари билан эл оралаган, юртимизнинг кўпгина қишлоқ ва шаҳарларида бўлган. Сўфи Оллоёр Сурхондарёнинг Вахшиворига бориб ҳам кўп кароматлар кўрсатган ва ўша ерда муқим яшаб, вафот этган.

Турди Фароғий (XVII аср) ҳам ўзбек адабиётида муносиб из қолдирган шоирлардан биридир. Фароғ қишлоғидан бўлганлиги учун Турди ва Фароғий тахаллуслари билан ижод этган. У Бухорода ҳукмронлик қилган Носир Муҳаммад ва унинг фарзандлари — Абдулазизхон, Субҳонқулихонлар даврида яшаб ижод этган.

Отаси Носир Муҳаммаддан Бухоро тахтини тортиб олган Абдулазизхон билан укаси Субҳонқулихон ўртасида кескин кураш кетади. Ва ниҳоят, 1680 йилда Субҳонқулихон ўз мақсадига эришиб акасини тахтдан ағдарган ва уни қувғин қилади. Субҳонқулихон даврида элга нисбатан жабр-зулм авж олади, бундай сиёсатга нисбатан халқнинг қаҳр-ғазаби ортади, қўзғолонлар авж олади.

Турди Фароғий ёшлигида ҳарбийлик касбини эгаллаган эди. У қўзғолонларда халқ томонида турди, лекин қўзғолонлар Субҳонқулихон томонидан аёвсиз бостирилади.

Турди ижодида ҳукмдорларни халққа зулм қилмасликка чорлаш мотивлари кучли жаранглайди:

Тор кўнгуллик беклар,
манман, деманг, кенглик
қилинг,
Бирни қипчоқу бирни
юз, найман деманг,
тенглик қилинг,
Қирқу юз минг сон
бўлиб, бир хон
ойинлик қилинг.
Бир яқодан бош
чиқариб, барча бир тўнга
кириб,
Бир ўнгурлик,
бир тиризлик, бир яқо-
енглик қилинг.

Бу фикрлар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Халқчил шоирнинг абадийлиги ҳам ана шундадир.

ВОЛА (Эшонхўжа Неъматулла ўғли) Иштихон туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида 1770 йилда туғилиб, 1842 йилда вафот этган. У онадан кўзи ожиз бўлиб туғилади. Отаси адабиётга қизиққани учун шарқ мумтоз адабиёти вакилларининг шеър ва ғазаллари билан кўзи ожиз ўғлини жуда ёшлигидан ўқиб бериб таништирди.

Хотираси ниҳоятда кучлилиги боис, у Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Фузулий, Бедилнинг кўпгина асарларини ёд билган. Бизнинг кунларгача унинг бир неча қасидалари, уч минг мисрадан ортиқ ғазаллари етиб келган.

Мисрий (асл исми Очилдимурод Неъматулло ўғли) Каттақўрғон шаҳрида 1830 йилда туғилиб, 1899 йилда вафот этган. У дастлаб Каттақўрғондаги Нақибхўжа мадрасасида, кейинчалик Бухорода таҳсил кўрган. Унинг «Раъно ва Зебо», «Қиссаи Салим Жавҳарий», «Мажидиддин ва Фахринисо» достонларида XIX аср ҳаёти акс этган.

Шавқий Каттақўрғоний ҳам ўз даврининг етук алломаларидан бири бўлган. Асл исми Муҳаммад Шариф бўлган бу шоир 1785 йили Каттақўрғон шаҳри яқинидаги Алижон қишлоғида туғилган ва 1861 йилда шу ерда вафот этган. У 1815 йилда Бухородаги Гавнушон мадрасасини тамомлаган, форс-тожик, араб тилларини мукаммал билган. Шеърий девон тартиб этган. Араб тили грамматикасига оид «Рисолаи қофия ё миръотун нахв» асарини ёзган. Унинг девони ЎзФАнинг Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида сақланмоқда.

Абдуҳамид Мажидий (1902-1938) қисқа умри давомида шоир, драматург, адабиётшунос ва журналист сифатида элга танилган. У Шўро ҳокимиятининг энг мураккаб даврида яшади ва ижод этди. «Хандон лолалар», «Қалдирғоч» номли шеърий тўпламлари билан адабий жамоатчилик эътиборига тушган. Мажидий кейинчалик «Варқа ва Гулшоҳ», «Отсиз» драмаларини яратди.

XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Миёнқол бўйларида дўмбира овози тинмайдиган бўлиб қолди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўстонида тўрт сарв дарахти ўсиб чиқди. Улар — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли ва Пўлканлардир. Биз улар туфайли халқимизнинг минг йиллик «Гўрўғли», «Алпомиш» туркумидаги достонларидан баҳраманд бўлдик. Бу достончи бахши шоирларнинг ҳар бири ўнлаб халқ достонларини ёд билган, меъёрига етказиб қуйлаганлар. Улар ўнлаб анъанавий халқ достонларини ижро этиш билан бирга ўзлари ҳам янги достонлар, қўшиқ ва термалар яратди. Улар Самарқанд достончилик мактабини яратиш билан бирга уни янги даражага кўтардилар.

Мамарасул Бобоев (1911 — 1969) XX асрда Каттақўрғондан етишиб чиққан энг йирик шоир. У 1938 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини тугатган. Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида турли лавозимларда ишлади. Унинг лирик шеър ва достонлари, драмалари халқимиз орасида шуҳрат қозонган. «Она қалби» достони ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон радиосидан тез-тез жаранглаб туради. Адабий жамоатчилик Некрасов, Лермонтов, Шевченко, Мусо Жалил, Константин Симонов, Расул Ҳамзатовларнинг кўпгина шеърларини Мамарасул Бобоев таржимасида ўқишган.

Шоири кўп эл саодатли бўлур, булбули кўп боғ улкан чаманзор бўлур. Бугунга кунда Миёнқол бўстонида сайроқи булбуллар кўп, уларнинг шавқу завқи асло тинмасин.

Бор бўлсин Миёнқол
мавлоналари,
Шеърият, маърифат
фарзоналари.
Ҳамонки, Ўзбекни
ҳайратга солур,
Сўз наҳридан терган
дурдоналари!

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ДСК матбуот хизмати хабар қилади

Ҳужжатсиз моллар

Шаҳрихон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Шаҳрихон» супермаркетига қарашли савдо шохобчаларида ўтказган қисқа муддатли текширишларда бирибирига ўхшаш талай ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Жумладан, 2-дўкон сотувчиси Шерзодбек Раҳимов 117,6 минг сўм нақд савдо пулини назорат-касса машинасига кирим қилмагани етмагандай, умумий нархи 1 миллион сўмликдан зиёд 1143 шиша акциз маркали спиртли ичимликлар ва 446,2 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли ҳужжатларсиз сотувга чиқаргани фош этилди. Бундай ҳолатлар супермаркетнинг қолган 3 та шохобчасида ҳам мавжудлиги маълум бўлди.

Умуман олганда, супермаркет бўйича 1,6 млн сўм нақд савдо пули ғазнага кирим қилинмаган, омборда 8 турдаги 27607 шиша акциз маркали спиртли ичимликлар кирим ҳужжатларисиз сақланаётган экан. Оқибатда жами 20 турдаги 28750 шиша 16,6 миллион сўмлик ноқонуний спиртли ичимликлар, 815,4 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Текшириш якунлари асосида супермаркет мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 2 ва 3-қисмлари билан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳийласи ўтмади

Урганч шаҳар ДСИ ходимлари «Хоразм-ҳамкор» хусусий корхонаси фаолиятини таҳлил этишди. Шу жараёнда шохобча раҳбари К. Ҳаитов турмуш ўртоғи Я. Жуманиёзова номига берилган улгуржи савдо қилиш гувоҳномасини қалбакилаштириб, 7284,8 минг сўмлик товарларни корхона ва ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан кўтарасига сотиб юборгани, вазифасидан бўшатилган ҳисобчи С. Собировнинг имзосини қалбакилаштирган ҳолда банкдаги ҳисоб рақами орқали 92584,2 минг сўм пул маблағи айланмасини амалга оширгани ойдинлашди.

К. Ҳаитов бу билан ҳам чегараланмай, бошқа ташкилотлардан келтирилган 29027 минг сўмлик харидоргир маҳсулотларни нақдига сотиб, тушум пулини НКМга кирим қилмаган ва банкка топширмаган экан. Устига-устак тадбиркорлик фаолияти давомида солиқ инспекциясига бирор марта ҳам ҳисобот топширмаган, мақсадли жамғармаларга мажбурий тўловлардан қасддан бўйин товлаб келган экан.

Шаҳар прокуратураси аниқланган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатди.

Тақдимот

«Киндер-пресс» — болалар матбуоти

Республика Миллий матбуот марказида янги "Киндер-пресс" журналининг тақдимоти бўлиб ўтди. "Турон-Иқбол" МЧЖ ҳамда «Чўлпон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳаммуассислигида чоп этилган ушбу нашр болажонлар учун мўлжалланган бўлиб, ўзбек ва рус тилларида чиқади.

— Унинг маърифий-ҳажвий комикслар йўналишида бўлиши болажонлар тафаккурининг ўсишига ёрдам беради, — деди журнал бош муҳаррири А.Саъдуллаев.

Журналнинг "Бизда эса...", "Кел, баҳслашамиз", "Универсал энциклопедия" каби ўнга яқин саҳифаларидан қизиқарли маълумотлар ўрин олган. "Кел, баҳслашамиз!" саҳифасида бошланғич синф ўқувчиларининг турли мавзуларда билдирган фикрлари эълон қилинса, "Устаси ўзинг" саҳифасида турли буюмлар қандай қилиб ясалиши ўргатилади. Шунингдек, журналда эртак ва ривоятлар, достонлар чоп этилади.

Қобил ХИДИРОВ.

Қўшиқларда меҳр изҳори

Халқимиз азалдан меҳр-мурувват, хайр-саҳоват каби улуғ фазилатларнинг бошини тутган. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан бундай эзгу амаллар янада теран мазмун касб этмоқда.

Тошкент шаҳар кўзи ожизлар жамияти томонидан ташкил этилган хайрия концерти бунинг яна бир ифодаси бўлди. Жамиятнинг «Санъат гулшани» деб номланган маданият саройига пойтахтимиздаги уч мингга яқин жамоат аъзолари таклиф этилди. Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, истеъдодли хонанда Гулиммат Собиров ҳамда "Лазги" ансаблининг куй ва қўшиқлари йиғилганларни хушнуд этди.

— Кўзи ожизларнинг концерт саройларига бориши анча ноқулай, — дейди Маданият саройи директори Бекмурод Ҳожиев. — Шунинг учун турли маданий, бадиий тадбирларни шу ерда ташкил этиб, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз — ҳеч ким ўзини бировдан кам ҳис қилмасин.

А. САМАДОВ.

Спорт

Жиззах Олимпия захиралари коллежида дзюдо бўйича 1989-90 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 500 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Кучлилар аниқланди

Тўққизта вазн тоифасида тамамига чиқишган ўғил болалар ўртасида қашқадарёлик Сардор Ибрагимов (45 кг.), Жасур Авазов (50 кг.), Тошкент вилоятидан Сардор Турсунбоев (55 кг.), Темур Султонов (60 кг.), Улуғбек Норқобилов (66 кг.), Бухородан Баҳодир Рўзиев (73 кг.), Ширин Шарипов (90 кг.), хоразмлик Дониёр Рўзметов (81 кг.), тошкентлик Евгений Рябинин (+90 кг.) биринчи ўринларни эгаллашди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда самарқандлик Феруза Нарзуллаева (40), Сирдарёдан Дилфуза Салямова (44 кг.), хоразмлик Шоира Машарипова (48 кг.), Тошкентдан Сабина Холматова (52 кг.), чирчиқлик Шохиста Зайниддинова (57 кг.), Бухородан Мадина Сапарбаева (+70 кг.) республика биринчилиги ғолиблари деб тан олинди.

Жиззахлик дзюдочи қизларнинг муваффақиятлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Шаҳодат Сўпихонова, Ирода Матмуродова, Ирода Абдураҳмоновалар ўз вазн тоифалари бўйича олтин медалларни қўлга киритишди. Май ойида Жанубий Кореяда ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган Ирода Абдураҳмонова учун республика биринчилиги ўзига хос тайёргарлик бўлди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Кикбоксинг юлдузлари яна Тошкентда

Ўзбекистон йирик спорт турнирлари ўтказиладиган марказга айлиниб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, кейинги йилларда барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, у ерда яратилган имкониятлар Осиё ва жаҳон чемпионатлари Ўзбекистонда ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Эсингизда бўлса, ўтган йили пойтахтимизда кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати зўр муваффақият билан ташкиллаштирилганди. Шуларни ҳисобга олиб, мутасаддилар кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топишди.

Дарҳақиқат, ўзига хос тарихга эга бўлган кикбоксинг спорти мутахассислар фикрича каратэ, инглиз бокси, таэквондо, тай бокс каби Ғарб ва Шарқ жанг санъатларини ўз ичига олади. Мазкур спорт тури мамлакатимизда саксонинчи йилларнинг охирида ривожлана бошлади. Бокс мураббийси Шокир Зокиров ва унинг ўғли Ботир Зокировлар биринчи «Биллур» спорт клубини, кейинчалик кикбоксинг федерациясини ташкил этишди. Бу, ўз навбатида, юртимиз фахрига айланган кикбоксинг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони — Олмос Юсуфов, жаҳон чемпионлари Акмал Зокиров ва Ануар Ибраев сингари таниқли кикбоксчилар етишиб чиқишига имконият яратди.

2001 йилдан бошлаб вилоят клуб секциялари бирлаштирилди. Кикбоксингчиларимиз жаҳон рингларида янада салмоқли натижаларга эришдилар. Уни таниқли спортчи Сардор Тошхўжаев бошқара бошлади. Жаҳон чемпионатларида Шавкат Ўроқов, Маматқул Тўхтамишев, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзиматовалар совриндорлар сафидан жой олишди. Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё очиқ чемпионатида ҳамюртларимиз олтита олтин медалга сазовор бўлишди. Неъмат Бобомуҳамедов профессионаллар ўртасида Осиё чемпиони камарини қўлга киритди.

— Спортнинг кикбоксинг тури мамлакатимизда жадаллик билан ривожланиб бораяпти, — дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаев. — Яқин-яқингача Ватанимизда халқаро турнир ташкил этиш бир орзу эди. Чунки, мусобақа ўтказиш учун имконият зарур. Айтайлик, кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатини ўтказишга талабгор давлатлар ўн биттага яқин эди. Халқаро кикбоксинг федерацияси раҳбарияти шароитларни ўрганиб, жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишни маъқул топди. Яна саноқли кунлардан сўнг бошланадиган чемпионатни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрдик. Бу борада бизга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ якка курашлари маркази яқиндан ёрдам бераяпти. Ҳозиргача элликка яқин мамлакат вакиллари чемпионатда қатнашиш истагини билдириб, ариза беришди.

Албатта, жаҳон чемпионатида терма жамоамиз вакиллари ҳам совринли ўринларни қўлга киритишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Спортчиларимиз Ҳиндистонда, Андижон ва Олмалиқ шаҳарларида бўлган саралаш мусобақаларида ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

FIFAнинг янги рейтинги

Халқаро FIFA ташкилоти мамлакатлар футбол терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси Того давлати футболчилари билан бир хил очко тўплаб, 59 поғонада бораяпти. Ўтган ойги натижага қиёс қилинса, терма жамоамизнинг икки поғона юқорига кўтарилганлигини кузатиш мумкин. Ҳамюртларимиз МДҲ миқёсида Россия (37) ва Украина (41) терма жамоаларидан сўнг учинчи ўринни эгаллаб турибди. Вакилларимиз Осиёда Япония (17), Эрон (22), Корея (30), Саудия Арабистони (34), Австралия (44), Ироқ (52), Баҳрайн (54) терма жамоаларидан кейин саккизинчи ўринда қайд этилган.

Рўйхатнинг тепасидан Бразилия, Чехия ва Голландия терма жамоалари жой олган.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

MS Group ISO 9001
"MANAGEMENT SYSTEMS CONSULTING" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
• ISO 9001:2000 халқаро стандарт бўйича Сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича консультация ўтказади
• Қуйидаги тренинг-курсларга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
• "ISO 9001:2000 бўйича Сифат бошқаруви тизими менежери"
• "ISO 9001:2000 бўйича Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқариш"
• "ISO 9001:2000 Сифат менежменти тизими бўйича ички аудитор"
• "ISO/TS 16949:2002 бўйича автомобиль саноати учун Сифат менежменти тизими"
• "ISO 1400:2001 бўйича Экологик менежмент тизими"
• "OHSAS 18001 бўйича касбий соғлиқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик тизими"
Тел/факс: (998 71) 136-55-34, 133-32-60
(998 97) 111-07-49
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
web site: www.ms-consult.uz

Жиззах вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 мартдаги 13-0602/1214-сонли ҳал қилув қарорига асосан Жиззах вилояти Жиззах шаҳрида жойлашган «ЖАСУР ПЛЮС» ХУСУСИЙ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб С.Пармонов тайинланган.

Тугатиш (суд) бошқаруви Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 214-хонада жойлашган бўлиб, кредиторлар қарздорлик суммасини кредиторлар талаб қилиш реестрига киритиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

ЎзР Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор **Хайри КУЧАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика онкология илмий маркази клиникаси бош врачи Дониёр Қосимовга отаси **Аброр ҚОСИМОВнинг** вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси Сирдарё кон-техника инспекцияси I-тоифали мутахассис Бахтиёр Баратовга рафиқаси **Дилафрўз МУҲАММАДИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази Урганч филиали директори **Комилжон МАДРАҲИМОВнинг** вафот этганлиги туфайли марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш кафедрасининг собиқ мудири, Бошқирдистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор **Мадияр Фахрутдинович ЗАРИПОВнинг** вафот этганлиги туфайли марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповa.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.20 23456